

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 210 (10.263)

2004 ЙИЛ 28 ОКТЯБРЬ

Пойтахтнинг бир кунли

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА СЎЗЛАР

● **ЭРТАГА** Тошкент молия институтида Юнусобод туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида Зулфия номидаги Давлат мукофотида номзодлар ташлаш босқичига бағишланган тадбир ўтказилди.

● **КЕЧА** «Бунёдкор» ёшлар телеклубида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими, «СанВикт» ногирон болалар илмий-тадқиқот бадий маркази, «Ариё» имконияти чекланган инсонларга кўмак кўрсатиш ижтимоий жамғармаси ҳамкорликларида «Ёшларим — олтин давр» болалар ва ёшлар ижоди хайрияти фестивали ўз ишнин бошлади. Ушбу тадбир бир ой давом этади.

● **АКМАЛ** Икромов туманидаги Тошкент қурилиш коммунал касб-хунар коллежида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан «Наркоманияга қарши кураш» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ДЕМОКРАТИЯ, ПАРЛАМЕНТ ВА ЗАМОН

26 октябрь куни Тошкентда «Демократик сайловларни ўтказишнинг халқаро стандартлари ва Ўзбекистон сайлов қонунчилиги» мавзусида ўтган халқаро учрашув - давра суҳбати доирасида Олий Мажлисда учрашув бўлди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик ва судхуқуқ масалалари кўмитаси раиси Н.Исмоилов, Мудоффа ва ҳавфсизлик масалалари кўмитаси раиси А.Турсунов, япониялик эксперт ва мутахассислар икки палатали парламентнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда уни шакллантиришда хорижий тажриба, Ўзбекистоннинг янги сайлов қонунчилигидаги юридик янгилик ва тамойиллар хусусида фикр юритдилар.

Икки палатали парламентнинг ташкил топиши давлат ҳокимияти олий органларини янги давр шароитига, демократиянинг умумэтироф этган меъёрларига мувофиқ тарзда такомиллаштириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида яна бир муҳим қадам бўлиши таъкидланди.

— Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётни демократлаштириш ва давлат қурилиши соҳасида амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик, — деди Япониянинг Нагоя университети профессори Кожии Оно.

— Ўзбекистоннинг сайловга оид қонунчилиги халқаро меъёр ва стандартларга тўла жавоб беради, фуқаролар давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини шакллантиришда иштирок этиши учун кенг имконият яратди. Сайловларга тайёргарлик қилиш ва ўтказишда, икки палатали парламент фаолиятини ташкил этишда, сайловчилар билан ишлашни янада такомиллаштиришда ривожланган демократик мамлакатлар тажрибаси муҳим аҳамият касб этиши табиий.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтида ўтган давра суҳбати ҳам демократик сайловларни ўтказишнинг халқаро стандартлари ва Ўзбекистон сайлов қонунчилигига бағишланди. Унда Италия, Россия ва Украина элчихоналари, БМТ Тараққиёт дастури ва ЕХХТ, алоқодор ташкилот ва идоралар вакиллари, сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар иштирок этдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилигидаги янгиликлар, бу галги сайловнинг аввалигиларидан фарқи жиҳатлари, икки палатали парламентнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган маърузалар тингланди.

— Ҳозир жаҳоннинг кўпгаб ривожланган давлатларида, жумладан, Италияда ҳам икки палатали парламент фаолият юритмоқда, — деди Италиянинг мамлакатимиздаги Фавқуллоҳда ва мухтор элчиси Анжело Персигни. — Келгуси йилдан Ўзбекистонда ҳам шундай парламент иш бошлайди. Бу эса жамиятда демократик тамойилларнинг тобора чуқурлашувида, ҳаётнинг барча жабҳалари эркинлашувида муҳим роль ўйнаши шубҳасиз. Бунда аҳоли барча қатламларининг фаол иштироки аниққис, муҳим аҳамиятга эга.

Анжуманда мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти сифатида нодавлат ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг роли ва аҳамиятини янада қучайтириш юзасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шу мавзудаги давра суҳбати Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида ҳам бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар раҳбарлари, хорижлик экспертлар иштирок этди. Миллий Демократик институт (АҚШ) катта маслаҳатчиси Паула Ньюберг АҚШда икки палатали парламент ва сайлов тизимининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида сўзлади.

Шу йил 26 декабрда бўлажак сайловлар арасида ўтаётган бундай учрашув ва тадбирлар Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институти янада ривожлантириш, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловларга пухта тайёргарлик қилиш ва уларни юксак савияда ўтказишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Бехзод НОРБОВЕВ, ЎзА мухбири

XVI сарфоси

Барча маълумотлардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Кеча Республика врачлар малакасини ошириш институтида юртимиз гематолог ва трансфузиололарнинг I съезди бошланди. Унда Россия, Қирғизистон ва Тожикистондан келган шу соҳа мутахассислари, олимлар ҳам иштирок этмоқда.

● Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Ёшлар ахборот марказида икки палатали парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сайловига бағишланган китоблар кўргазмаси очилди.

● Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармасида иклим ўзгариши оқибатида келиб чиқадиган экологик муаммоларнинг олдини олишда жамоатчилик иштирокини қучайтиришга бағишланган анжуман ўтказилди.

● «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида мактаб ёшидаги болалар саломатлиги муҳофазасини янада қучайтиришга бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

● Тошкентда «Экотуризм ва барқарор ривожланиш» шиори остида бутунжаҳон туризм кунига бағишланган фестиваль ўтказилди.

● Сирдарё вилояти фаоллари йиғилишида жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари кўриб чиқилди.

Жаҳонда

● Ариёл Шароннинг Фаластин мухторияти ҳудудидаги яҳудий аҳоли вакиллари кўчириб олиб чиқиш режаси Исроил парламенти томонидан маъқулланди.


● Кеча эрτάлаб Япония шимолда юз берган яна бир зилзила Рихтер шкаласи бўйича 6 баллни ташкил этди. У Токиодан 240 километр шимолдаги Ниигата префектурасида содир бўлди.

● Бесландаги воқеалар оқибатларини ўрганиш учун ўтказилган суриштирувлар натижасида 3 нафар Шимолий осетиялик ва ингушетиялик милиция ходимига айбномалар кўйилди.

● Догистоннинг Хасавюрт шаҳрида кўлга олинган икки нафар маҳаллий фуқародан катта миқдорда — 53 килограмм тротил портловчи моддаси олинди.

Сайловлар ва биз

БИРИНЧИ МАРТА ОВОЗ БЕРАМАН



26 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга сайлов кунли

Сайлов — жамият ва шахс маънафати, эртанги кун тақдирини белгилайдиган сиёсий жараён. Маълумки, мамлакатимиз ҳам ана шундай муҳим жараён Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда маҳаллий Кенгашларга бўлажак сайловлар арасида турибди. Икки палатали парламент пойдевори кўйиладиган ушбу тарихий воқеа ўтган сайловлардан мутлақо фарқ қилиши билан гўятада аҳамиятлидир. Бу сайловлар республикаимизда

ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти сари ташланган дадил қадам, шу билан бирга, юртимизни обод қилиш, фуқароларнинг тўкин ҳаёт кечириши учун ҳар томонлама шарт-шароит яратиб бериш йўлидаги асосий босқичлардан бири бўлади. Шунинг учун ҳам бўлажак сайловларга катта ҳозирлик қўйилмоқда.

Давоми 2-бетда.

Бугун полвонлар юрти бўлими Шаҳрисабз шаҳрида катта кураш байрами бошланади — белбоғли кураш ва кураш бўйича Амир Темур хотирасига бағишланган халқаро турнир ҳамда кураш бўйича ёшлар ўртасида III жаҳон чемпионати баҳслари бўлиб ўтади.

ШАҲРИСАБЗДА ҚЎШ НУФУЗЛИ МУСОБАҚА

Шаҳрисабздаги «Хисор» спорт мажмуасида бўлиб ўтадиган кураш турнирларига қизгин тайёргарлик қўрилди. Кўчалар, майдонлар, хирёбонлар байрамона руҳда безатилди. «Садо», «Шаҳрисабзмебель», «Кристалл», «Шаҳрисабз консерва», «Шаҳрисабз ёг-пишмоқ», «Дон — халқ ризиқи» каби корхоналар тайёргарлик ишларига ўзига хос ҳисса қўшишди.

Жаҳон чемпионатида дунёнинг 40та мамлакатидан келган юздан ортиқ ёш полвонлар ўз маҳоратларини намойиш этишадилар. Шунинг таъкидлаш жоизки, кураш аънавалари ривожланган мамлакатлардан келган иштирокчилар билан

бир қаторда Гаити, Фижи давлатлари полвонлари ҳам ўз кучларини синаб кўришади. Юртимиз истеъдодли ёшлари ҳам чемпионатда кўпгаб соғиринли уринларни эгаллашга ишонамиз.

Уйлаймизки, навбатдаги қизиқарли халқаро мусобақаларда ҳам Баҳром Авазов, Абдуқодир Пирматов, Абдулла Тангриев, Шухрат Хўжаев каби иқтидорли полвонлар кашф этиладилар. Мутахассис ва мухлислар Карлос Ханорато, Селим Татар Огли каби мамлакатимизда ўтказилган йирик халқаро мусобақаларда кашф этилган хорижлик кураш юлдузлари маҳоратидан баҳраманд бўлишадилар.

(Ўз мухбиримиз)

Давоми. Боши 1-бетда.

26

декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчи-
лик палатасига
ва маҳаллий
Кенгашларга
сайлов кун

Шу кунларда корхона, ташкилот, ўқув муассасалари ва маҳаллаларда «Икки палатали парламентга бўлиб ўтадиган сайловларнинг мазмун-моҳияти нималардан иборат?», «Кимлар депутатликка сайланиши керак?», «Сайловчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳақида нима биласиз?» мавзуларида учрашув, семинар, давра суҳбатлари ва қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимизда бўлиб ўтадиган сайловларда 14 миллиондан зиёд фуқаро овоз бериш ҳуқуқига эга, пойтахтимиз бўйича эса 1 миллион 256 минг фуқаролар ўз ҳуқуқ ва бурчларини бажариб номзодлар ичидан энг муносиб деб топганларига овоз берадилар. Улар орасида 214 мингдан зиёд 18-22 ёшдаги ёшлар илк бор овоз берадилар. Сайловчиларнинг бешдан бир қисмини биринчи марта овоз берадиган ёшлар ташкил қилишини ҳисобга олсак, бўлажак тадбир олдида уларни билдириладиган ишонч, қолаверса олдиларга қўйиладиган вазифаларнинг нақадар масъулиятли ва жиддий эканлигини уларга тушунтириш долзарб масалалардан эканлиги ойдинлашади. Кун кеча Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов Комиссияси ҳамда сайловни ёритиш бўйича шаҳар Матбуот маркази томонидан Яққасарой туманидаги олий ўқув юртлирида таълим олаётган 500 нафарга яқин талаба-ёшлар иштирокида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида «Мен биринчи марта овоз берман: ҳуқуқ ва мажбуриятларим» мавзусида ўтказилган катта анжуман ҳам ана шу хайрли мақсадга бағишланди.

Ушбу анжуманда мамлакатимизда фаолият юритаётган бешта сиёсий партиялар — Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашлари вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Анжуманда адолатга таянган ҳолда қуръа ташлаш йўли билан ҳар бир партия вакили

сўзга чиқиб, тегишли партиянинг мақсад ва вазифалари, бугунги кунда олиб бораётган фаолияти ҳамда келажак режалари билан ёшларни таништирди ва йиғилиш давомида талабаларни қизиқтирган барча саволларга жавоб берди. Қизиқarli фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтган ушбу анжуманнинг айрим қатнашчиларини суҳбатга тортидик.

Жавоҳир УМАРОВ, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, 4-курс талабаси: — Менинг фикримча, жамиятнинг навқирон бўлиши бўлмиш ёшларнинг сайловда илк бор овоз бериши жуда катта воқеа. Лекин бир савол туғилади: де-

керак.

Муносиблар ичида энг муносиб номзод учун овоз беришни мақсад қилиб қўйганман.

Нозима ТОЖИЕВА, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти 1-курс талабаси: — «Сайловлар тараққиётга хизмат қилади» деган гапни тез-тез эшитамиз. Демак, ҳар биримизнинг берган овозимиз муҳим аҳамиятга эга, яъни мустақил юртимизнинг ривожланиши, кенг тараққий этган давлатлар қаторидан тенг ўрин олиши учун хизмат қилади. Шундай экан, ҳар бир тенгдошимга мурожаат этмоқчиман: азиз замондошим, тобора яқинлашиб келаётган сайловларда фаол иштирок этиб ўз

татлар сафида аёлларнинг кўпроқ бўлишини хоҳлар эдим. Чунки аёл — фидойи, тиришқоқ, ўз устида ишлайдиган куюнчак инсонлар қатрига кирди. Икки палатали парламентга сайланадиган депутатлар ҳам айнан мана шундай, ҳар соҳанинг билимдонлари бўлишлари керак.

Халқнинг ишончини қозониш учун ёлғон ваъдалар бермаслик лозим. Масалан бугун фаолият олиб бораётган сиёсий партиялар келгусида нима иш қилмоқчи эканлигини содда ва аниқ қилиб кўрсатиб бериши, таклиф ва фикрлари халққа етиб бориши керак. Улар фақат камчиликлар ҳақида гапириб ўтмай, уларни ечиши йўлидаги ҳарақатлари ҳақидаги аниқ фикрларни билдиришлари лозим.

Биз талабаларнинг тегран фикрлари, сайлов ҳақидаги тушунчалари, сиёсий партиялар фаолиятига нисбатан қизиқишларини кўриб, аччиқ бўлсада тўғри сўзни айтаётганларидан хурсанд бўлдик ва бўлажак сайловларда ёшларнинг фаоллик кўрсатишларига ишондик. Бугунги кун ёшлари — эртанги кунимизнинг қанотларидир. Давлатимизнинг келажакда нечоғлик буюк бўлиши уларнинг ақдан ва жисмонан баркамол бўлиб вояга етишларига боглик, албатта.


Ҳар бир ўтаётган кун бизни тобора сайловлар кунига яқинлаштирмоқда. Ушбу жараёнда қонунга эътиқодимиз, адолатга бўлган ишончимизни синовдан ўтказамиз. Ҳар бир учрашув ва давра суҳбатларида икки палатали парламент қандай иш

олиб боради, сенаторнинг вазифаси нималардан иборат, кимни сайласак, эртага халқимизга кўпроқ нафи тегади каби саволларга жавоб изланмоқда. Баҳс-мунозаралар бўлиб ўтмоқда. Ўз-ўзидан аёнки, фаоллик бор жойдагина баҳслар, ҳақиқатга интилиш бўлади. Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш жоизки, бўлажак сайловлар бутун мамлакатимиз ҳаётига катта таъсир кўрсатади, демократик жараёнларни жалалаштиради, инсон манфаати ва ҳуқуқларини мустақамлайди. Шундай экан, бутун ақл-иद्रокигимизни жамлаб, эртага миллионимизга таянч бўла оладиган депутатлар учун овоз берайлик. Адолат, фақат адолат қалб ширимизга айлансин. Чунки адолат бор жойда, албатта, тараққиёт ҳам бўлади.

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА, Шоира МУҲАМЕДОВА, махсус мухбирларимиз СУРАТЛАРДА: Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бўлиб ўтган учрашувдан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

БИРИНЧИ МАРТА ОВОЗ БЕРАМАН



путат учун, эртанги кун тақдирини дахлдор бўлган инсон учун овоз бераётганда ҳар бир ёш нақадар муҳим жараёнда иштирок этаётганини ҳис этармик. Ҳуқуқ ва бурчларидан хабардорми? Мана шундай саволларга жавоб топиш учун учрашув ва тадбирларни кўпроқ ўтказиш керак.

Кейинги йилларда айтиш мумкинки ёшлар тафаккурида нури эртаимизга ишонч, бугунги кун ютуқларидан гурурланиш ҳисси пайдо бўлди. Бўлажак сайловларда фаол иштирок этишга интилаётганлари ҳам уларнинг нақадар зийраклик билан сайлов жараёнини кузатиб турганларидан далолатдир.

Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган сиёсий партиялар ҳақида ўз фикримни билдирмоқчиман. Айтиб ўтмоқчи эдимки, биз сайловлар арафасидагина уларнинг фаолияти билан танишиш имконига эга бўляпмиз. Улар ўртасида рақобат муҳитининг пайдо бўлиши табиий албатта. Лекин соф рақобат, соғлом сиёсий курашгина жамият ривожига хизмат қилишини доимо ёдда тутиш

бурч, ҳақ-ҳуқуқимиздан қай даражада хабардор эканлигимизни кўрсатайлик.

Шоҳруҳ ДЕҲҚОНОВ, Тошкент Давлат педагогика университети талабаси: — Икки палатали парламентнинг афзалликлари тўғрисида маълум тушунчага эга бўлдик. Лекин шу кунгача сиёсий партиялар фаолияти, уларнинг дастурларида ёшлар муаммоси, камчилик ва нуқсонларни бартараф этишдаги йўл-йўриқлар ҳақида ҳеч қандай ахборотга эга эмас эдик. Истардикки, сайланадиган депутатлар эртага халқ хоҳиш-иродасини ифода этиб, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлардаги долзарб муаммолар ечимига йўналтирилган, шу жумладан ёшларнинг порлоқ истиқболига доир қонунларни ишлаб чиқишга қодир бўлсинлар. Халқнинг том маънодаги ҳақиқий ноиб, қонун кўриқчиси, давлат ва фуқаролар ўртасида мисоли бир кўприк бўла олсин. Бизнинг ушбу сайловдан умидларимиз жуда катта.

Нигора ЙЎЛДОШЕВА, Тошкент Давлат педагогика университети талабаси: — Мен депу-

Иқтисоқий

ЎЗГАЧА ФАЙЗ БАҒИШЛАЙДИ

Пойтахтимизда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, аҳоли хизматига камарбаста бўлаётган меҳнат жамоалари оз эмас. «GENEROUS» масъулияти чекланган жамияти ана шундай корхоналардан ҳисобланади.

2002 йилдан ўз фаолиятини бошлаган ушбу корхона қисқа вақт орасида мижозлар ишончини қозонишга улгурди. Ҳозирги кунда жамоада 25 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Асосан алюмин қотишмаларидан бюртма асосида эшик, ром ва витражлар ишлаб чиқаришга иختисослашган корхонага зарур хом ашё ўзаро шартнома асосида Туркиянинг «Акра» фирмасидан келтирилади.

Корхона маҳсулотлари иссиқ-совуқ иқлим ҳамда намгарчиликка чидамлилиги, вази енгиллиги, шовқини камайитириши, арзон ва бежиримлиги билан ажралади.

«GENEROUS» масъулияти чекланган жамиятида тайёрланган эшик ва ромлар айна кунда «Отел Ўзбекистон» меҳмонхонаси, «Хоразмпахтасаноат» ва «Сурхондарёвилоятгазтаъминот» корхоналари бисноси, Самарқанддаги «Регистон» ресторани, «Туркистон» саройи каби кўплаб замонавий ишонотларга алоҳида кўрк ва файз бағишлаб турибди.

Ўтган йили 9 ой мобайнида корхона ишчи-ҳодимлари 16 миллион сўм миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, бу йил бу кўрсаткич 33,2 миллион сўмни ташкил қилди. Ҳозирда жамоанинг асосий ҳамкорлари туркиялик тадбиркорлар бўлса, келгусида корхона тадбиркорлари Россия давлати фирмалари билан ҳам ҳамкорлиқни йўлга қўйиш ниятида.

СИФАТИГА ЭЪТИБОР КАТТА

«Технолог» очик турдаги акционерлик жамияти таркибига ташкил этилган «Профиль» илмий-техникавий фирмаси томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кишлоқ ҳўжалиги соҳаси ривожига ниҳоятда кўл келмоқда.

Замонавий, универсал дастгоҳлар билан жиҳозланган корхонада айна пайтда эритилган ва тобланган темир бўлақларидан қирқишга мўлжалланган маҳсус тишли мосламалар, мустаҳкам гальваник қопламалар ҳамда металл аркалар ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона малакали кадрлар, конструкторлар, технологлардан иборат барқарор ишчи жамоасига эга бўлиб, улар пайвандлаш, пресшлаш, пластмасадан маълум бир деталлар ясаш цехларида иш олиб боришади.

Шаҳримизнинг Амир Темур кўчасидаги осма йўл қурилиши ишларида ҳам корхона ҳодимлари зарур таянч устунларни тез ва сифатли етказиб бериб, ушбу қурилиш ишларида илгор иштирок этишди.

Корхона тадбиркорларининг бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқараётган металл маҳсулотлари, янги номдаги маҳсул мосламалари республикамиз саноати ва кишлоқ ҳўжалиги ривожига муҳим аҳамиятга эга.

Орзугул РУСТАМОВА

Иқтисоқий

ЯНГИЛИККА ИНТИЛИБ

Бугунги кунда ўзимизда ишлаб чиқарилаётган сифатли, кўркам, рақобатбардош маҳсулотлар харидорларни мамнун қилаётгани қувонарли ҳол, албатта. Чилонзор туманида фаолият юритаётган «OL-SI» масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳам ўз йўлини топган корхоналардан саналади.

Мазкур корхона 1996 йилдан иш бошлаган бўлса, ҳозирги кунга келиб 20 нафар ғайрат-шижоатли ишчи-хизматчиларни сафида бирлаштирган. Сифатли металлдан 20 га яқин маҳсулотлар — дарвоза, панжаралар; корхона, фирмалар учун шкаф, касса, тўсин; банклар, офисларга мўлжалланган турли хилдаги жиҳозлар тайёрлаб берилади.

Эътиборга молик томони, корхонада барча бюртмалар қатъий режа асосида мижознинг хоҳиш-истағига кўра ўз муддатларида бажарилади ҳамда уларга 10 йиллик кафолат берилади. Цехларда ўзимизнинг дастгоҳ ва усуналардан фойдаланилади, шунингдек керак бўлганда уларга эҳтиёт қисмлар ҳам шу ернинг ўзида тажрибали, ишчилар томонидан тайёрланади.

2004 йилда корхона ишчи-хизматчилари бир нечта янгиликка қўл уриб, асосий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш мақсадларида кишлоқ ҳўжалик



маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган ускуна, дастгоҳлар тайёрлади. Шунингдек, корхонанинг тажриба лабораториясида янги қурилма мажмуаси ҳам синовдан муваффақиятли ўтказилди.

Бундан ташқари, «QURILISHGELIOSERVIS LTD» фирмасининг илмий ишланмаси бўлган серкўёш ўлкамизда жуда самарали ҳисобланувчи гелиоқурилманинг таркибий қисмлари тайёрлаб берилди. Музокара, компютерда яратилган ишланмалар шартнома тузилгунга қадар кечадиган қонуний жараёнлар ҳисобланади. Янги маҳсулотлардан бири — пультли, кўтарма дарвозалар ўзининг қатор афзалликлари билан бюртмачилар эътиборини тортмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТДА: «OL-SI» масъулияти чекланган жамиятининг 6-тоифали тоқари Валерий Окунев иш устида. Ҳакимжон Солихов олган сурат.

ТАЪЛИМ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Тошкентдаги «Шератон» меҳмонхонасида таълим соҳасида ҳамкорлик бўйича халқаро ва донор ташкилотларнинг мувофиқлаштирувчи йнгилиши бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги — ЮСАИД билан биргаликда ташкил этилди.

Ўзбекистон халқ таълими вазири Т.Жўраев истиқлол йилларида юртимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб ювга етказиш жамиятимизнинг устувор вазифасига айланганини алоҳида таъкидлади. Мамлакатимизнинг бугуни ва келажакини кўп жиҳатдан қомил, соғлом, фидойи, Ватанга садоқатли ёшлар белгилайди. Президентимиз Ислам Каримов

ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва дунёда таълимнинг ўзбек модели сифатида эътироф этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда «Таълим тўғрисида»-ги қонун ана шу мақсадга хизмат қилаётди.

Давлатимиз раҳбарининг «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»-ги фармони эса бу

борада яна бир муҳим ҳужжат бўлди. Беш йўналишдан иборат ушбу ҳужжат янги таълим муассасаларини бунёд этиш, эскирганларини тубдан қайта таъмирлаш, ўқув жиҳозлари ҳамда компютер техникаси билан таъминлаш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш каби устувор вазифаларни ўзига қамраб олган. Бунинг учун давлат бюджетидан 1,2

«Сендан угина, мендан бугина» деган ибора бежиз айтилмаган. Хизматдан фойдаланиб, мушқулнинг осон, оғирингиз енгил бўляптими, ҳақини ҳам ўз вақтида тўлашни унутманг-да. Кўпинча шундай бўладики, бирор нарсадан зарурат юзасидан фойдаланамизда, унинг ҳақини тўлашга келганда, унутмасди ёки бепарво бўламиз. Миробод туман ҳудудий тиббиёт бошқармаси ҳодимлари фойдаланган электр энергияси учун ҳақ тўлашни «унутиб» қўйишган. Натижада Ўзбекистон Давлат энергия назорати томонидан шахар ҳўжалик судига талабнома тушган. Суд ижрочиси ара-лашуви билан туман ҳудудий тиббиёт бошқармасидан Ўзбекистон Давлат энергия назорати фойдасига 1 миллион 524 минг 447 сўм ундирилди.

Баъзи корхона ва ташкилотлар борки, керак бўлганда ўзларининг ишлари битиши учун кредит (қарз) олишади-да, уни тўлашга келганда «Оларда кирар жоним, берарда чикар жоним» деганларидек, пайсалга солишади ёки шартнома шартларини бесабаб бузишади. «Ўз-Урал» қўшма корхонаси ана шундайлардан чиқиб қолди. Бу корхона «Ипак йўли» инновация-тижорат банкидан 208 миллион 837 минг 179 сўм 97 тиын миқдорда кредит (қарз) олган. Олаётган пайтда 2 та озик-овқат ишлаб чиқариш ускунасини гаровга қўйган. Кредитни ўз

вақтида қайтариб бермаганлиги сабабли банк шахар ҳўжалик судига мурожаат этишга мажбур бўлган. Ҳўжалик суди шу иккала ускунани сотиш йўли билан банкнинг кредитини ёпиш (қоплаш бўйича) қарор чиқарган. Қарор Миробод туман суди ижрочиси Собит Усмоновга қўриб чиқишга юборилган. У қонуний тартиб-

нинг сўм 17 тиын миқдорда кредит қарзлари ундириб берилди. Туман суд ижрочиларининг тинимсиз ишлашлари ва ҳаракатлари асосида учта даъвогар корхона ва ташкилотларнинг манфаатлари ижобий тарзда ҳўйма қилинди.

— Кредит олаётган корхона ҳам, уни бераётган ташкилот раҳбарлари ҳам узок-ни йўлаб, ҳўжжатларни пухта расмийлаштиришлари, кредитни қайтариш мuddатларини имкониятларидан келиб чиқиб аниқ белгиланган ҳолда келишилган тарзда шартнома тузишлари лозим, — дейди Миробод туман суд ижрочия бўлинимаси бўлими бошлиғи Ўткир Мирфайзиёв.

— Шартнома тузишда ва кредит олишда ҳўжжатлар ҳар икки томоннинг келишувига мувофиқ аниқ ва пухта тузилса, кейин «Бор отанга, бор онанга» қаби-лидаги елиб-югуришлар, оворагарчиликлар бўлмайди, деб ўйлайман.

Бундан ташқари, туман ҳокимлигидаги мутасадди ҳодимлар, давлат солиқ қўмитаси ва суд ижрочилари корхона ва ташкилотларда кенг қўламда тушунтириш ишлари олиб бориши, йўл-йўриқ ва маслаҳатлар бериб туришлари керак. Чунки тўловларни ўз вақтида бажариш бошқаларга ҳам фойда. Шу боисдан қарзларни ўз вақтида тўлаш фарз эканлигини ҳамиша ёдда тутиш лозим.

Хусанбой ТОЖИМАТОВ

Мўлоҳазар

**ХИЗМАТДАН
ФЙДАЛАНДИНГИЗМИ,
ҲАҚИНИ ТўЛАНГ**

Шу йил Тошкент шахар ҳўжалик судининг буйруғига асосан қарздор «Ўзимёфарм» акционерлик жамияти ҳисобидан «Трединг Америка Инс» фирмасига 165953 АҚШ доллари миқдорда пул ундириб бериш Миробод туман суд ижрочия бўлинимасига топширилди, туман суд ижрочиси Сайфулла Акбаровнинг сатй-ҳаракатлари тўғрйлик қарздор корхонанинг мол-мулки рўйхатга олиниб, бир қанча қарсон-саргардонликдан кейин даъвогарларга қарз ундириб берилди.

да банк фойдасига қайтарилмаган кредитни ундириб берган. Суд ижрочисининг юқорида қайд этилган қонуний ҳаракатлари натижасида 2 та озик-овқат ишлаб чиқариш ускуналарини сотишдан тушган пул икки корхона — «Азияпласт» ЛТД қўшма корхонасига 17 миллион 448 минг 282 сўм, шунингдек «Ўзбекбирлашув»га қарашли Республика Улгуржи савдо базаси фойдасига ҳам 2 миллион 516

Мараққу

**САЙЛОВГА
БАҒИШЛАН-
ГАН РИСОЛА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўладиган сайловларга бағишланган қатор рисодалар босмага тайёрланди. Бунда Тошкент Давлат юридик институтини профессор-ўқитувчилари ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар.

Сайлов ҳуқуқларига бағишланган адабиётлардан 15 номдагиси яратилди. Улар туркум нашр сифатида сайловчилар эътиборига ҳавола қилинади. Кўп нусхада чиқарилган бу адабиётлар билан барча сайлов участкалари ва округлари тўлиқ таъминланади.

Ёш сайловчиларни мамлакатимизда сайловлар қонунийлиги қондалари ва нормалари билан таништириш тадбирлари кўрилди. Бунинг учун олий ўқув юрти кутубхонасида «Ҳамма сайловга!» деган адабиётлар бурчаги ҳам ташкил этилди.

Айна вақтда талаба - ёшлар орасида сўровлар ўтказилиб, уларнинг бўлажак сайловларга муносабати, билим ва сиёсий фаоллиги аниқланди.

Акбар АЛИЕВ

Мустақил юртимизда ҳар соҳада изчил ислохотлар, Ватан тараққиёти, эртанги кун ривожи учун кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Табиийки бу жараёнда келажақ эгалари бўлиши ёшларнинг ҳам фаол иштироклари муҳим ўрин тутади. Уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, турли муаммоларнинг ечилишида кўмаклашиш, ҳуқуқий билимларини ошириш, иқтидор ва истеъдодларини юзага чиқаришда ҳақиқий кўмакчи ва таянч бўлишга аҳд қилган «Камолот» ЕИХ эса бу борада ибратли ишларга ўз хиссасини қўшиб келмоқда. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Акмал Икромов туман бўлими кенгаши фаолияти билан ақиндан танишар эканмиз ёшлар ташкилоти ҳақидаги илик фикрлар бекорга айтилмаётганининг гувоҳи бўлдик.

Туман бўлимида

ШУ ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

«Камолот» ЕИХ туман бўлими Кенгаши раиси, барча ишларга бош-қош бўлиб, «Камолот» барча ёшларнинг қаноти бўлади деган фикрни илгари сураётган куюнча раҳбар Азиз Эргашев билан суҳбатимиз ҳам юқоридаги фикрлар давомига айланиб кетди.

— Туманимизда 1 та институт, 10 та ўрта махсус касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, 36 та умумтаълим мактаби ҳамда 6 та саноят корхоналари жойлашган. — дейди Азиз Эргашев. — Уларнинг ҳаммасида ҳаракатнинг бошланғич ташкилот етакчилари фаолият олиб боради. Бугунги кунда аъзоларимиз сони 53551 нафарга етган. Ташкилот етакчиларининг ёшлар билан ҳар соҳада иш олиб бориши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Алҳолдида хона, керакли анжомлар, жиҳозлар билан таъминланган.

Тумандаги вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатларининг олдини олиш борасида маҳаллалардаги профилактика инспекторлари, посбон-сардорлар ҳамда ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда давра суҳбатлари, учрашув ва тадбирлар мунтазам ўтказилиб турилади. Шунингдек гивандлик ва токсик моддаларнинг умр заволи эканлиги ҳақидаги семинарлар ҳам ёшлар онгига соғлом турмуш тарзини синдиришга хизмат қилмоқда. Туман ИИБ рўйхатида турувчи ёшлар ва мактаблардаги тарбияси оғир бўлган ўсмирларнинг жиноятчилик оқибатлари нималарга олиб бориши ҳақида тасаввур ҳосил қилишлари учун жазони ижро этиши муассасаларига экскурсиялар ташкил қилинди, ҳар бир мактабда семинар-тренинглар ўтказилди. «Мен аскарман» акцияси бўйича ҳарбий қисмларга бориб Ватан ҳимоячиларининг ҳаётлари билан ақиндан таништирилди.

— **Жамоат ташкилотлари, хусусан маҳаллалар билан ҳамкорлик қандай йўлга қўйилган?**

— Туманимизда 50 та маҳалла мавжуд. Уларнинг ҳар бири билан яқин ҳамкорликда иш олиб борамиз. Маҳалладаги ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида 118 та тўғарак ташкил этилган. Уларда спорт, ракс, тўқувчилик ва каштачилик каби қатор йўналишларда фаолият юритилмоқда. «Маҳалла ёшлари тарбиячиси» маркази томонидан ёшларнинг бўш вақтини тўғри тақсимлаш, турли ёт оқимлар таъсирини тушириб қолишининг олдини олиш, шунингдек ногирон, ота-онасиз болаларнинг кўнгилни кўтариш, уларга меҳр-мурувват кўрсатиш бўйича ҳам қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Бугун ёшларнинг давомида таътил даврининг мароқли ўтиши, яхши дам олишлари, жамоат ишларида фаолликларини ошириш мақсадида ёшлар ва болалар ўртасида оммавий соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт турларини жонлантириш бўйича 50 та маҳалланинг ҳар бирида оммавий спорт ўйинлари мусобақалари ўтказилди. Унда 2500 га яқин ёшлар иштирок этдилар. Маданий дам олишларини ташкил этиш борасида 16 маротаба тарихий музейлар, театр, кинотеатр ва маданият ва истироҳат боғлари, қадимий шаҳарларга олиб борилди.

— **«Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси фаолияти ҳақида ҳам кейинги вақтларда анча иллик фикрлар билдирилмоқда.**

— Дарҳақиқат, маҳалла посбонларини ҳақиқий фидойилар десак ярашади. Улар маҳалла оқсоқоллари ва худуддаги профилактика инспекторлари билан қўнғубузарликларнинг олдини олишда ўз вазифаларини виждонан адо этиб келмоқдалар. Шу кунгача улар 646 та тадбир ўтказган бўлса, 2408 та ҳуқуқбузарлик аниқланган, 48 та жиноятни оқишда иштирок этганлар, 33 таси эса бевосита ўзлари томонидан очилган. Улар иш фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида ҳар йили «Энг яхши «Маҳалла посбони», «жамоат тузилмаси», «Энг яхши «Маҳалла посбони»

жамоат тузилмасининг сардори» каби кўрик-танловлар ўтказилиб келинади.

— **«Камалак» болалар ташкилоти ҳақидаги фикрингиз қандай? «Камолот» бевосита ўз қанотидаги «Камалак»ни ҳар томонлама қўллаб иш олиб бораёти дея оласизми?**

— Туманда ҳозирги кунда 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар сони 31887 нафарни ташкил этади. «Камалак» болалар ташкилоти мактаб ўқувчиларининг барчасини ўз атрофига бирлаштирган. Ўтган уч йил давомида ташкилотнинг мустақам тузилмаси шаклланди. Мактаблардаги ҳар бир синфда «Камолот» ва «Камалак»нинг сардорлари мавжуд бўлиб, улар мактаб ўқувчиларининг битта тизим остида бирлашишини таъминлаб келмоқда. Ўқувчиларнинг тарихий, ҳуқуқий, сиёсий билимларини ошириш мақсадида қатор семинар, кўрик-танлов ва акциялар ўтказиб келинади.

— **Мавжуд камчилик ва нуқсонлар ҳақида нима дейсиз?**

— Тўғри, ҳали қиладиган ишларимиз етарли. Айрим саноят корхоналари ва ўқув юрталарида «Камолот» хоналари масаласи ва уни жиҳозлаш яхши йўлга қўйилмаган. Болалар спортини ривожлантириш, қиз болаларни спортга кўпроқ жалб қилиш ишлари, ҳодимларимизнинг ўз вазифасига янада масъулият билан ёндошишларига эътиборни қаратишимиз керак. Ёшларни ўз сафимизга янада кенгроқ жалб этиш, ҳар хил тўғараклар ташкил қилиш, бошланғич ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш, фаолликларини ошириш масалалари устида ҳозирда иш олиб бораёмиз.

Сўзининг охирида айтмоқчиманки шу азиз Ватан барчамизники, унга муносиб фарзанд бўлиш эса ҳар биримизнинг энг эзгу тилагимиз. Бу йўлда ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтиб, юртимизнинг тараққиёти, ривожи учун хизматга ҳамиша тайёرمىз.

Шоира МУҲАМЕДОВА
суҳбатлашди.

Кафедра ўқитувчилари — фан номзодлари, профессорлар томонидан шундай ҷикилдики, бўлажак сиёсатшунослар давлатимизнинг сиёсий принциплари, парламент ва партиялар фаолияти, қонунчилик, сайлаш ва бошқа сиёсий-ҳуқуқий билимларни пухта ўзлаштириб, таълим олиш жараёнида ўзлари амалиётда қўлламоқдалар. Талабаларга билим бераётган ўқитувчи Гулбахор Асанова бурежа ҳақида шундай дейди: «Талабаларимиз фақатгина назарий билимлар билан чекланиб қолмасликлари ва уни кўпроқ амалиётда қўллашлари ҳамда сиёсий принципларни пухта ўзлаштиришлари учун тузилган ўқув режими яхши натижа бермоқда. Бўлажак сиёсатшуносларимиз давлат сиёсий таъминларини аудиторияда, ўз амалиётларида қўлайдилар. Жумладан, талабалар сайлов жараёнини амалиёт орқали пухта ўзлаштиришларини таъминлаш мақсадида талабаларимиз ўзлари университет доирасида партиялар тузиши, ўзлари номзодлар курашувчилари ташкил этилди. Мана яқинда талабалар томонидан

номзоди кўрсатилган Малик Иноғомова, Шерзод Фарҳодов ва ташаббускор гурӯҳдан Анвар Муҳаммадлар кўрсатишди. Улар яширин овоз бериш дастурида кўрсатди. Ташаббускор гурӯҳдан Анвар Муҳаммад асосий устувор йўналиш қилиб миллий ҳавфсизлик масаласини яъни терроризм, ёшларни турли диний оқимларга кириб қолишларининг олдини олиш чора-тадбирларини ўз дастурида кўтариб чиқди. Шу кунги голиб чиққан талаба «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига тўғридан-тўғри аъзоликка қабул қилинди. Бу илмий методика бўлгуси сиёсатшуносларни етук кадрлар сифатида етиштириб чиқишда ёрдам беради, деган умиддамиз. Талабаликданок улар ўз сиёсий фаолиятларини бошлаганликларидан хурсандман. Ҳўш номзодлар қандай фикрда эканлар: «Мен ўзимни чинакам сиёсий етакчилик ҳис этаялман» — дейди Шерзод Фарҳодов.


Олий ўқув юртимизда

ПУХТА БИЛИМ — ЭРТАМИЗ КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда таълим соҳасида кенг қўламдаги ислохотлар амалга оширилмоқда. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалда ўқув муассасаларида ўз самарасини бермоқда. Унга кўра талабалар ўзлаштирган назарий билимларни кўпроқ амалиётда қўллашга интилоқдалар. Бунинг натижасини Ўзбекистон Миллий университети ижтимоий-сиёсий фанлар факультети сиёсатшунослик гурӯҳининг 2-босқич талабалари мисолида ҳам кузатишимиз мумкин.

Дарҳақиқат, улар давлатимиз сиёсатининг эртанги кунини. Талабаларнинг пухта ўзлаштириётган билимлари билан ҳуқуқий демократик жамиятни барпо этишда чинакам сиёсий арбоб бўлиб етиштириб чиқишларига тилакдошимиз. Шерзод Фарҳодов каби ёшлар қўлидадир.

Зафар ЁКУБОВ



Йулдош Охунбоев номли 45-ўрта мактабнинг биринчи тоифали она тили ва адабиёти ўқитувчиси, халқ маорифи аълочиси, шу мактабни 1974 йили тугатиб 30 йилдан бери ўқувчиларга таълим-тарбия бериб келаётган Мунира Набиева ишда ҳам, оилада ҳам муносиб обрў-эътиборга эга.



У раҳбар бўлган синф ўқувчилари фанларни ўзлаштириш, хулқу одобда тенгдошларига ўрнатилмоқда. Мунира опа дарслари давомида болажонларни она юртва садоқатли, ватанпарвар инсонлар бўлишга, илм-фан негизларини мустақам эгаллаб мустақил Ватанимиз буюк келажагининг бунёдкорлари бўлишга даъват этади.

СУРАТЛАРДА: Мунира Набиева дарс ўтиш жараёнида; илмга чанқоқ ўқувчилар доимо дарсларга тайёр. Ҳақимжон Солихов олган суратлар.

КАМОЛОТ

Медовлар ўз сайловолди дастурларини ишлаб чиқдилар. Уларнинг ишончли вакиллари ва тарғибот гурӯҳлари бўлиб, номзодлар ҳақида маълумотлар бериб турди. Университет доирасида талабалар учун ўтказилган сайловда бутун университет талабалари қатнашди. Номзодлар 5 дақиқадан чиқиш

ўйли билан сайландилар. Шу нарса муҳими талаба номзодлар ўз дастурида умумдавлат миқёсидаги соҳаларни ёқиб чиққанлар. Масалан, талаба Малика Иноғомова маънавият ва маърифат масаласини кўтарган бўлса, Шерзод Фарҳодов иқтисодий-ижтимоий соҳадаги муаммоларни ўз

дастурида кўрсатди. Ташаббускор гурӯҳдан Анвар Муҳаммад асосий устувор йўналиш қилиб миллий ҳавфсизлик масаласини яъни терроризм, ёшларни турли диний оқимларга кириб қолишларининг олдини олиш чора-тадбирларини ўз дастурида кўтариб чиқди. Шу кунги голиб чиққан талаба «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига тўғридан-тўғри аъзоликка қабул қилинди. Бу илмий методика бўлгуси сиёсатшуносларни етук кадрлар сифатида етиштириб чиқишда ёрдам беради, деган умиддамиз. Талабаликданок улар ўз сиёсий фаолиятларини бошлаганликларидан хурсандман. Ҳўш номзодлар қандай фикрда эканлар: «Мен ўзимни чинакам сиёсий етакчилик ҳис этаялман» — дейди Шерзод Фарҳодов.

Дарҳақиқат, улар давлатимиз сиёсатининг эртанги кунини. Талабаларнинг пухта ўзлаштириётган билимлари билан ҳуқуқий демократик жамиятни барпо этишда чинакам сиёсий арбоб бўлиб етиштириб чиқишларига тилакдошимиз. Шерзод Фарҳодов каби ёшлар қўлидадир.

Зафар ЁКУБОВ

«Камолот» хабарлари

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур туман бўлими ва «Маҳалла умидлари» маркази томонидан тарбияси оғир вояга етмаган ёшлар билан ишлаш борасида яна бир ибратли ишга қўл урилди.

Яъни, туман Ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими билан «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими томонидан профилактик ҳисобда турувчи тарбияси оғир болалар ҳақида уларнинг ўқиб жойлари, нималарга қизиқишлари, бўш вақтда нималар билан шуғулланиши ва ота-оналари ҳақида

маълумотлар йиғиб китоб сифатида тайёрланди. Ҳозирги пайтда ушбу туманда 37 нафар вояга етмаган болалар ҳисобда туради, уларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш, ҳаётда ўз ўринларини топишга ёрдам бериш мақсадида «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими томонидан бепул компьютер ўрганиш курслари ҳам ташкил этилди.

АКМАЛ ИКРОМОВ ТУМАНИ

Яқинда Акмал Икромов туманида «21 асрга гиванд моддаларсиз» деб номланган катта тадбир ўтказилди. Ушбу тадбир шу тумандаги барча ўрта махсус касб-хунар коллежлари,

академик лицейларда бўлиб ўтди. Ўқув юрти талабалари тадбирга қиз-қиз тайёргарлик кўришти. Улар наркотик моддаларни истеъмол қилиш нақадар ёмон оқибатларга олиб келиши ҳақида саҳна кўринишлари намойиш этишти, кинолаҳзалар кўрсатишти. Узаро фикр алмашишти. Бундан ташқари бўлиб ўтган тадбирларга шу туманда жойлашган шифохона шифокорлари ҳамда Ички ишлар бошқармаси ходимлари таклиф этилди. Улар ҳам гиванд моддаларни истеъмол қилган инсон қай ҳолатга тушиб ва охири оқибат бу нимага олиб келиши ҳақида ҳаётда бўлиб ўтган мисоллардан келтириб сўзлаб беришти.

Саида МАМАТИСАКОВА
«Бунёдкор» ёшлар телеклуби ходими

САРДОРЛАР СЕМИНАРИ

«Камолот» ЕИХ Сергели туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан тумандаги Шукр Бурхонно номли маҳаллада ўқув семинари бўлиб ўтди.

Асосан Кенгашнинг бошланғич ташкилотлари матбуот бўлими сардорлари учун ўтказилган ўшбу семинарда туманнинг барча ўқув юртиларидан етакчи ёшлар иштирок этишти. Ўқув семинарида «Камолот» томонидан амалга оширилаётган ишларнинг матбуотда тўлиқ ериштирилиши, шу ўринда матбуот бўлими сардорлари бунга бош-қош бўлишлари зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

— Уюштирилган семинарда матбуот сардорларига тегишли вазифалар нималардан иборат эканлиги эслатиб ўтилди, — дейди «Камолот» ЕИХ Сергели

УЧ ГУРУҲ БЕЛЛАШДИ

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ҳамда «Камолот» ЕИХ Яққасарой туман бўлими кенгаши ҳамкорлигида ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг 15 йиллиги муносабати билан «Она тилингизни сениб ва ардоқлаш» мавзусида баддий кеча ўтказилди.

Кечани факультет декани, И.Йулдошев очар экан, она тилимиз тарихи ва унинг

туман бўлими матбуот сардори Руслан Ҳакимов. — Шунингдек, уларнинг ишларидаги суқташликлар танқид қилиниб, ўз вазифаларига сидқидилдан ёндошиш кераклиги, матбуот билан доимо ҳамкорликда иш олиб бориш лозимлиги семинар давомида сардорларга уқтирилди.

УЧ ГУРУҲ БЕЛЛАШДИ

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ҳамда «Камолот» ЕИХ Яққасарой туман бўлими кенгаши ҳамкорлигида ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг 15 йиллиги муносабати билан «Она тилингизни сениб ва ардоқлаш» мавзусида баддий кеча ўтказилди. Кечани факультет декани, И.Йулдошев очар экан, она тилимиз тарихи ва унинг

Учрашувлар

ТУГИЛГАН КУНИНГ МУБОРАК

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, спорт билан ошно этиш, гивандлик, турли ноқонунли йўлларга кириб қолишларининг олдини олиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Собир Раҳимов туман бўлими кенгаши томонидан мунтазам равишда турли тадбир, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

Кунин кеча туманда жойлашган 24-Меҳрибонлик уйида бўлиб ўтган куз фаслида туғилган болалар учун «Туғилган кунинг муборак!» тадбири ҳам барча иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди. «Меҳр ва мурувват» йилида амалга оширилаётган, меҳр-мурувватга тўлиқ бўлган, хайрли мақсадлар кўзланган бундай учрашувлар албатта кўнгли ярим, ширин сўз, меҳрга муҳтож бўлган болажонларнинг эртанги кунга умид ва ишонч билан боқишига хизмат қилиши аниқ.

— Туманимиздаги кам таъминланган оила фарзандларининг 30 нафарини Тошкент ҳайвонот боғига экскурсияга олиб бордик, — дейди туман «Камалак» болалар ташкилоти раиси Ҳабиба Муҳамедова. — Улар боғдан бир олам таассуротлар билан қайтишти. Яқинда 2-Тошкент давлат тиббиёт институти қошидаги Тиббиёт коллежи талабалари билан эса «Ёшлар доим «Камолот» билан бирга» тадбирини ўтказдик. Айни кунларда «Энг яхши маҳалла посбони» кўрик-танлови бўлиб ўтмоқда. Жорий йилда ёшларни бирлаштириш, ёғи дам олиш вақтини мазмунли ўтказиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш бўйича жуда кўп хайри акцияларини ўтказдик. Ниятимиз бугунги кун ёшлари маънан, руҳан, жисмонан соғлом ва баркамол бўлиб вояга етсинлар.

Азиза МУҲАМЕДОВА



«Камолот» ЕИХ Ҳамза туман бўлими Кенгаши ёшларнинг хунар эгаллаши, қизиқишларига қараб ишга жойлаштириш бўйича ҳам қатор тадбирларни ўтказиб келмоқда. Хусусан туман Меҳнат бўлими билан ҳамкорликда Аҳмаджон Назаров маҳалласида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида ҳам ёшлар ўзларига муносиб иш ўринлари ҳақидаги маълумотларини олдилар. **СУРАТДА: бўлиб ўтган меҳнат ярмаркасида лавҳа.**

Барча олий ўқув юртиларида ҳар ойнинг иккинчи чоршанбасини «Маънавият кунини» деб белгилаш аниъатга айланиб қолди. Тошкент Давлат юридик институти талабалари навбатдаги «Маънавият кунини» Юнусобод туманидаги 31-Меҳрибонлик уйига бориб, тарбияланувчилар билан бир пиёла чой устида дилдан суҳбат қурдилар, ўйин-қулгилар остида уларнинг қувончига шерик бўлдилар.

«МАЪНАВИЯТ КУНИ» СЕРМАЗМУН ЎТДИ

Айтиб ўтиш жоизки талабалар Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича «Конституцияни биласизми?», «Президент асарларини биласизми?» каби мавзуларда танловлар ўтказиб келмоқдалар. Бу институт талабаларининг «Маънавият кунини»да амалга ошираётган ишларидан биттагина мисол ҳолос. Ҳолбуки бундай хайрли

мақсад билан ўтказилаётган учрашув, давра суҳбатлари, тадбирларни яна қўллаб келтириш мумкин. Талабалар давлатимиз томонидан Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун шарт-шароитлар қанчалик яратиб берилганини кўриб қувонсалар, уларнинг кўзларига боқиб ота-она ўрнини ҳеч нарса боса олмаганини, меҳр-мурувватли

бўлиш, одам ўзида ҳамиша масъулликни ҳис қилиши лозимлигини англаб етмоқдалар. Шу ўринда, Президентимиз Ислам Каримовнинг «Савоб ишни ҳар қим қилиши керак, савоб ишни ҳар қим қилиш керак» деган доно ўғитларини эслаб ўтиш жоиздир. **Қундузой РОЗИМОВА,**
Тошкент Давлат юридик институти магистри.

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ҲАҚИДА
Домо бўлар...

• ХИКОЯТ. Бир киши ўз ўғлини ҳаёт учун зарур бўлган баъзи фанларни ўрганиш учун бир муаллимга топширди. Байт:
Дунёнинг қарори
Илм биландир,
Илмсиз кишига
йўқдир эътибор.
Бир кун муаллим онасига шикоят қилиб: «Ўғлинг илм ўрганишга унамаёбди, вақтини ўйин-кули билан зое ўтказмоқда» — деди.

Байт:
Ҳар инсон илмдан
тополса баҳра,
Иши ўқиш ила
саволу жавоб!
Онаси муаллимдан: «Билломдин, унинг табиати қайси касбга мойил, ҳаракати қайси ишга қобил?» деб сўради. Муаллим: «У касб ўрганишдан ўтиб, қобилиятдан маҳрум бўлган. Билишимча, унинг хотири маҳбуб учун нигорон, дили эса маъшук юзига хайронга ўхшайди.
Ўзи меҳнатга ожизу
боши савдога лиқ тўла,
Бугун эртанинг
фикри ҳақида ўйласанг асло!

Агар мен илму иймондан савол қилсам у васлу ҳижрондан гапиради, агар мен ҳалолу ҳаромдан ҳикоя қилсам, у зулф ила ҳолдан оғиз очади». Онаси деди: «Ишқ кўчасидан юришнинг оқибати саломатлик бўлмасам ҳам, аммо бу йўлдан юриш маломат ҳам эмас! Ишқ изтиробли бўлса ҳам, аммо ошқик бўлмиш ихтиёрий эмасдир!

Байт:
Домга тушган
ночор қушнинг ҳолини,
Озод юрган бургут
билмас ҳеч қачон.
Қафасдаги булбул
нолишини эса,
Ёр-ла юрган каптар
сезмас бегумон.
Уни озод қил! Ишқдан шундай ҳосият борки, у кишини ла-тофатли, назокатли ва ҳушёр қилади!

Байт:
Ҳар кимсаннинг боғи ила
бўстонлари
бўлса ҳам,
Хушнуд эмасдир ҳаргиз
унда ёри бўлмаса.
Кўнгил бермоқ
бировага, ҳаётнинг
ўзи шулдир,
Жонсиз сувратдир ким-
нинг гулузори бўлмаса.


• Киши учун ногаҳоний ўлим икки нарсадан келади: ортиқча бойлик учун интилишдан ва бе-маъни сўзларни кўп гапиришдан.

Мол-дунё тугайди, аммо яхши ишлар абадий қолади. Биров ер, биров боқар, қиёмат шунда кўлар.

• Инсоф энг яхши фазилат-дир:
Кимда инсоф бўлса
у мард кишидир,
Инсофсизлик эса
номард ишидир.
Инсофсиз кишига ҳам ҳам-иша йўлдош бўлади. Мен сенинг қўлингдан тутсам, сен менинг оёғимдан тортасан.
Ёмон кунда гина
кўтарилади,
Зиёнкор гиёҳ
боғдан юлиб отилади.
•Айбсиз қиз кидирган ёрсиз қолади. Гузал ҳисобланган ойда ҳам доғ бор.
Айбсиз дўст кидирган дўстсиз қолади.
Билмаган айб эмас, сўралмаган айб.



Олтин куз сурури.



Бахтиёр Содиков олган суратлар.

Тадбир давомида асосий эътибор Вазирлар Маҳкамаси қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда зарур ҳужжатлар ва ҳайдовчининг соғлиғига, керакли бўлган иш стажлари бўлишига қаратилди. Шунингдек, автобусларнинг йўлга чиқиши олдида техник ҳолати ва ҳайдовчиларнинг тиббий кўрикдан ўтказилиши, транспорт воситаларига алоҳида жадвалга асосан техник кўрик амалга оширилишини, 300 километрдан узоқ масофаларга қатнайидан автобусларда камида 2 тадан ҳайдовчи бўлишини таъминлаш ва назорат қилиш ишларига ҳам алоҳида эътибор билан ёндашилди. Техник жиҳатдан носоз, мажбурий техник кўриктан ўтмаган, ноқонуний қайта жиҳозланган автобуслардан фойдаланишни қатъиян тақиқлаш, ҳайдовчилар томонидан одам ташиш ва бошқа қоидаларга риоя қилинмаган ҳолатларда уларга нисбатан кескин чоралар кўриш, тегишли ҳужжатлар-сиз бошқарилаётган транспорт воситаларини жарима майдонларига қўйиш, бир ой муддатда йўловчи ташиш билан шуғулланувчи автобус ва микроавтобусларнинг йўналиш чизмаларида ЙХХБ ҳамда «Ўзавтодарё» агентлиги томонидан йўловчиларни олиш бекатларини аниқ белгилаб бериш ва улар орқали йўловчиларни олиш ва тушириш ишларини ташкил этиш каби қатор ҳолатлар кўрсатилиб ўтилди.

Қарор ва ижро

МАҚСАД —ЙЎЛОВЧИЛАР
ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортда йўловчилар бағаж ташиш қоидаларини ҳамда автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талабларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ҳамда Ички ишлар вазирлигининг 2003 йил 14 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сонли Қарорини эълон қилиш тўғрисида»ги буйруғи талабларининг бажарилиши, йўловчи ташиш билан шуғулланувчи автобус ва микроавтобуслар фаолиятини ташкил этиш, улар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, автобусларнинг техник ҳолатига бўлган талабларга қатъий риоя қилиниши ҳамда ДИХХХ тизимлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ички Ишлар вазирлиги, «Ўзавтодарё» агентлигининг ҳудудий бўлимлари ва Давлат солиқ бошқармалари билан Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ ҳамкорликда комиссиялар тузилиб турушларга бўлиниб, алоҳида тасдиқланган жадвал асосида фаолият кўрсатаётган барча турдаги йўловчи ташиш билан шуғулланувчи автобус ва микроавтобусларнинг ҳайдовчиларида бўлиши лозим ҳужжатларни текшириш бўйича тадбир ўтказилди.

Кундалик йўриқнома-ларда йўловчи ташиш билан шуғулланувчи транспорт воситаларининг Республиканинг бошқа ҳудудларига тегишли ҳужжатларга эга бўлмасдан туриб чиқиб кетишларининг ҳар бир ҳолати бўйича хизмат текшируви ўтказилиб, масъул раҳбарлар ва ходимларга нисбатан қатъий чоралар кўрилиши тўғрисида огоҳлантирилди.

Тадбир давомида Тошкент шаҳрида бугунги кунда жамоат транспорти соҳасида фаолият кўрсатаётган «Тошшаҳарйўловчиторанс» акциядорлик компаниясига тегишли 175 та йўналишда, шундан 6 таси шаҳар четидаги йўналишда ҳамда шаҳар ичигаги турли жамият, корхона ва фирмаларга тегишли бўлган 132 та ҳамда шаҳар четидан келувчи турли жамият, корхона ва фирмаларга тегишли бўлган 63 та йўналишда ўрганилмоқда

ва тадбир бошидан буён 11 та рейд ўтказилиб 750 та транспорт воситалари текширилган. Жами 161 та қоидабузарликлар аниқланган. Жумладан тегишли ҳужжатларсиз бошқарилган 12 та, техник носоз автобус 43 та, мажбурий техник кўриктан ўтмаган автобуслар 19 та, тахографи мавжуд эмаси 4 та, йўналиш чизмаси мавжуд бўлмаган 38 та, йўл варақаси йўқ 40 та, АТК билан шартнома тузмаган 13 та, лицензияси йўқ 45 та, одам ташиш қоида-сини бузган ҳайдовчилар 59 та эканлиги аниқланган. Улардан 61 тасига нисбатан тегишли чоралар кўрилган, 14 та транспорт воситаси жарима майдонига қўйилган, 52 та транспорт воситаси аниқланган камчиликлар бўйича фойдаланишдан четлатилган. Тадбир давомида ЙХХБ ЙПХ бригадаси ходимлари томонидан ЙПХ постлари билан ҳамкорликда 6 та автошоҳбекат ва шоҳбекатлар атрофида қўшимча 12 та йўналиш чизмалари берилган, 1840 та рухсатномалар тарқатилган, ўрганиб чиқилган 41 километр узунликдаги йўллар бўйича аниқланган камчиликлар юзасидан маҳаллий ҳокимлик ва тегишли ташкилотларга 9 та тақдирномалар киритилган.

Қузибой ЯНГАБОВЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ
ЙХХБ Ташвиқот ва тарғи-
бот бўлими бошлиғи.

Тошкентда 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига халқаро молиявий ташкилотларнинг маблағларини жалб этиш механизмни такомиллаштириш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш масалаларига қаратилган анжуман ўтказилди. У Республика Халқ таълими вазирлиги, БМТнинг Болалар жамғармаси ЮНИСЕФ ва Америка халқаро ривожланиш агентлиги (USAID) ҳамкорлигида ташкил этилди.

ДОНОР
ТАШКИЛОТЛАР КЎМАГИ

2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга оширишда донор ташкилотларининг иштироки муҳим. Тадбирда Халқ таълими вазирлиги ҳузурда ташкил этилган донор ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш марказининг ҳисоботи тингланди. Унга кўра, биргина 2005 йилда мамлакатимиздаги мавжуд 9 минг 679 та ўрта таълим мактабларини капитал таъмирдан, 2 минг 918 тасини эса жорий таъмирдан чиқариш режалаштирилган.

Тадбирда мамлакатимиздаги мавжуд ўрта умумтаълим мактабларининг 8,7 фоизини замонавий компьютер воситалари билан таъминлаш масаласи муҳокама қилинди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, анжуман умумтаълим соҳасида донор ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш борасидаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаш, мувофиқлаштириш механизмни баҳолаш ҳамда ушбу фаолиятни такомиллаштириш йўналишларини белгилаш имконини берди.

Алоудин ҒАҒҒОРОВ,
«Туркистон-пресс»

РАССОМ ХОТИРАСИ

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўرғазмалар залида Ўзбекистон халқ рассоми Нигмат Қўзибоевнинг табиат манзараларига бағишланган асарлари кўрғазмаси очилди.

Таниқли рассом таваллудининг 75 йиллигига бағиш-лаб ташкил этилган мазкур кўрғазма, афсуски, унинг иштирокисиз ўтмоқда. Марҳум мўйқалам устасининг гулларга бурканган фотосурати санъат ихлосмандларини кўрғазмага чорлаб тургандек.

Кўрғазманинг очилиш маросимида тўпланганлар Ўзбекистон халқ рассоми Раҳим Аҳмедов, Россия халқ рассоми, Россия Рассомлар уюшмаси раиси Валентин Сидоров, Рассомлар уюшмалари халқаро конфедерацияси ижроқўми раиси Масут Фатқулин, санъатшунослиқ фанлари доктори Рафаэль Такташ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Владимир Бурмакиннинг рассом ҳаёти ва ижод йўли ҳақидаги илиқ ва самимий сўзларини тингладик.

Кўрғазма замонамиз таниқли рассомларидан бирининг серқирра иқтидорини намойиш этмоқда. Кузатувчан томошабин Нигмат Қўзибоев ўз асарларида она табиат манзараларини ҳақиқий устага хос тарзда юксак маҳорат билан қуйлаб ўтганини сезмасдан қолмайди.

Олег ПАТУНОВСКИЙ,
«Жаҳон» АА.

Шарҳловчи мисраи

ТУРКИЯ
ВА ЕВРОПА
ИТТИФОҚИ

Берлин шаҳрида Германия канцлери Герхард Шрёдер, Франция президенти Жак Ширак ҳамда Туркия бош вазири Режеп Эрдоғоннинг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Туркиянинг Европа Иттифоқига (ЕИ) кўшилиши масаласи муҳокама этилди.

Туркиянинг ЕИга аъзо бўлиш ҳаракати кеча ёки бугун бошлангани йўқ. Мамлакат ўтган асрнинг 90-йилларидаёқ «кўхна дунё» билан интеграциялашиш ниятида эди. Лекин бунинг учун иттифоқда жорий этилган меъёрларга жавоб бериши лозим эди.

Сўнги уч йил ичида Туркияда қатор сиёсий ва иқтисодий ислохотлар амалга оширилди. Қонунчилик соҳасига ўзгартиришлар жорий этилди. Мамлакатдаги барча кам сонли элталарнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кенгайтирилди. Улим жазоси бекор қилинди.

Европа комиссияси Туркиядаги ўзгаришларни ижобий баҳолади. Лекин ишончсизлик ҳам йўқ эмас. Европа Иттифоқининг кенгайиш масалалари бўйича комиссари Гюнтер Ферхойген Туркияда қатор учрашувлар ўтказганидан кейингина ўртадаги шубҳа-гумонлар тўла барҳам топди. Яқинда эса Еврокомиссия Туркия иттифоққа аъзо бўлиш учун ЕИ билан музокараларга тайёр эканини билдирди.

Албатта, бу ҳали Туркия ЕИга аъзо бўлди, дегани эмас. Музокараларга тайёрлик ҳақида Еврокомиссия берган маълумот Туркиянинг Европа оиласига кириши учун қафолат ҳам бермайди. Шу йил декабр ойида иттифоққа аъзо 25 давлат Туркиянинг ЕИга кириши бўйича музокара бошлаш ёки бошламаслик тўғрисида узи-кесил қарор қабул қилиши керак. Ушанда Анкарага ЕИ талабларини бажариш учун вақт берилиши, таъбир жоиз бўлса, «синов муддати» бошланиши мумкин.

Туркия ЕИга аъзо бўлиши керакми-йўқми, деган масала ҳамон мунозараларга сабаб бўлмоқда. Айрим кузатувчиларнинг фикрича, мамлакатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, диний асосдаги қарма-қаршилиқларга барҳам бериш борасида яна қатор «оратдбирларни амалга ошириш лозим. Бундан ташқари, қашшоқликка барҳам бериш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида Европа меъёрларига тенглашиш керак.

Франция ҳукумати Туркияни иттифоққа қабул қилиш юзасидан референдум ўтказиш таклифини ўртага ташлаганди. Бугунги кунга келиб бу таклиф тарафдорлари анча кўпайди.

Берлин учрашувида Германия канцлери Герхард Шрёдер расмий Берлин Туркияни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Франция президенти Жак Ширак ҳам хайрихоҳлигини билдирар экан, Туркия ЕИга аъзо бўлиши учун иттифоқнинг барча мезонларига мос бўлиши лозимлигини таскидлади.

Фаэлиддин АРЗИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.



Куни кеча пойтахтимизнинг сўлим масканларидан бири — Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи яна болажонларнинг шўх кулгуларю, хурсандчиликларига гувоҳ бўлди. Боғ маъмурияти ва Татар маданият маркази томонидан уюштирилган бу тадбир қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

«Ўйинчоқлар куни» номи остида ўтказилган бо-



лалар байрамида ўйинчоқлар кўргазмаси, ёш рассомлар, кўшиқчилар, раққос ва раққосалар ўртасида кўрик-танловлар, таниқли санъаткорлар ва болалар жамоалари чиқишлари намойиш этилди.

— Одатда кўпчилик юрт-

Мағбирлар

БОҒДА
ЎЙИНЧОҚЛАР КУНИ

Ўтган асрнинг ўрталарида атоқли турк шоири Нозим Ҳикмат: «Болаларга беринг дунёни», деган ҳикматни айтган эди. Дарҳақиқат, дунёда бола кулгусидан-да завқлироқ, бола шодлигидан-да удуғвороқ ҳаяжонли дақиқалар бормикин?! Албатта, йўқ!

дошларимиз истироҳат боғлари фаолиятини мавсумий деб ўйлашди, — дейди боғ директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Баҳодир Султонов. — Аммо бизнинг боғимиз фаолияти мавсумий эмас. Биз ўз имкониятимиздан келиб чиқиб, йил давомида турли тадбирлар уюштирамиз. Ҳозиргина ижодий гуруҳимиз билан ўзаро келишган ҳолда келаси йил шу пайтда болалар карнавалини ўтказишни режалаштирдик.

Ўйинчоқлар кунига анча вақт давомида тайёргарлик

кўрилди. Узоқ йиллар давомида малака орттириб, бола психологиясининг чинакам билимдонлари бўлган заҳматкаш халқ педагоглари ўғитларига суянилди. Таниқли санъаткорлар билан маслаҳатлашилди.

Дарҳақиқат, боғнинг мўъжазгина саҳнасида бири-биридан қизиқарли чиқишлар намойиш этилди. Ўйинчоқлар кунига ота-оналари ҳамроҳлигида ташриф буюрган болажонлар эртак қаҳрамонлари билан танишиш имконига эга бўлдилар. Қувноқ куйиқчиқлар, дидрабо оҳанглар оғушида ўтган байрам чиройли рақсга тушиш, асфальтга расм чизиш, шар

пуплаш, гўзал расмлар чиза олиш сингари мусобақаларга уланиб кетди. «Замин» болалар театрининг чиқишлари, республика рассомлик коллежи талабаси Бобомурод Зулфиқоров томонидан яратилган, лойдан ясалган турли шаклдаги санъат асарлари, худди шу коллежнинг яна бир талабаси Жасурбек Санаевнинг она Ватани тараннум этувчи қатор расмлари болажонларда катта таассурот қолдирди.

— Биз ҳам жажжи болажонларимиз олдига қуруқ қўл билан келган эмасмиз, — дейди «Ёшлик» номли татар-бошқирд рақс ансамбли бадий раҳбари Альфия Шокурова. — Ўн беш нафар истеъодли раққоса қизларимиз татарча, уйғурча, бошқирча, ҳиндча, ўзбекча рақслари билан болажонларимиз кўнглига завқ-шавқ улашди.

Хиллари ПАНЖИЕВ
СУРАТЛАРДА: Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОИПАР

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатлашиб банд солинган куйидаги автомобилотранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилади.

2004 йил 30 ноябрь кунига қуйидаги автомобилотранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилади:

1. «Газ-31029» автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 G 28-92, бошланғич нархи 2 268 000 сўм, техник носоз;
2. «Джип Гранд Чероки» автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 2 500 000 сўм, техник носоз.

Кимошди савдолари соат 16-00 да бошланади.

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш кимошди савдоси эълон қилинганидан 3 кун аввал тўхтатилади.

Кимошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносидан ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.

Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38.

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 13-мактаб томонидан 1994 йилда Отабек Заҳидов номига берилган А № 513184 рақамли шаҳодатнома йўқолганиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОИПАР

«TOSHKENT SHAHAR YO'L QURILISH
VA TA'MIRLASH TRESTI» OCHIQ
AKSIYADORLIK JAMIYATI

2004 йил 26 ноябрь соат 16⁰⁰ да навбатдан ташқари акциядорлар умумий йиғилиши бўлиб ўтишини маълум қилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Хамал кўчаси, 29-уй. Трестнинг маданият уйи.

Рўйхатдан ўтказиш соат 14⁰⁰ да бошланади. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2004 йил 26 октябрь ҳолатига кўра тузилган.

Кун тартибидаги масала:
1. «Toshkent shahar yo'l qurilish va ta'mirlash tresti» ОАЖ Уставини тасдиқлаш.

2. Эмиссия проспектини тасдиқлаш.
3. Ҳисоб комиссияси сайлаш.
4. Кузатув кенгаши таркибини сайлаш.
5. Тафтиш комиссияси таркибини сайлаш.
6. Бош директорни тасдиқлаш.

Маълумот учун телефон: 93-19-50

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

газеталари тахририяти
реклама агентларини
ишга қабул қилади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

Спорт

**САМБО
БАҲСЛАРИ
БОШЛАНДИ**

Кеча шахримиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида самбо бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида жаҳон чемпионати мусобақалари бошланди.

Унда Германия, Испания, АКШ, Франция, Япония, Мўғулистон, Чехия, Греция каби жаҳоннинг йигирмага яқин мамлакатидан келган 1984-1988 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар галаба учун кураш олиб бормоқда.

Мусобақалар тўртта ёш тоифасининг ҳар бирида 10 ва 11 тадан вази бўйича бўлиб ўтмоқда. Ўсмирларимиз мамлакат терма жамоаси Равшан Аҳмаджонов бошчилигида жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўрган бўлса, қизларимизга самбо сир-асрорларини иқтидорли мураббий Фазлиддин Тўлаганов ўргатди.

Терма жамоаларимиз таркибига кўз ташлар эканмиз, Умид Халилов, Илья Сагиров, Одил Тулендибоев, Тохир Ражабов, Дилфуза Хўжакулова, Машхура Мавлонова, Лайло Абдурахимова, Нилуфар Давлатова каби иқтидорли ёшлар мавжудлигининг гувоҳи бўламиз.

Самбо бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионати эртага ўз ниҳосига етади.

**ШАҲРИМИЗ
ҚИЗЛАРИ
ҒОЛИБ**

Пойтахтдаги Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти спорт залида волейбол бўйича қизлар ўртасида Ўзбекистон Кубогининг ҳал қилувчи беллашувлари бўлиб ўтди.

Беш кун давом этган учрашувлар натижасига кўра шахримизнинг «Тўмарис-СКИФ» жамоаси барча рақибларини 3:0 ҳисобларида енгиб, маҳорат бобида турнир иштирокчиларидан анча устун эканлигини исботлади. Шу тариқа «Тўмарис-СКИФ» ҳақли равишда Ўзбекистон Кубогининг соҳиби бўлди.

Кейинги ўринларни Самарқанднинг «Иқтисодчи» ҳамда Наманганнинг «Педагогика» коллежи командалари эгаллади.

Волейболчи қизларнинг навбатдаги мусобақалари кейинги ойда бўлиб ўтади — 23-27 ноябрь кунлари Ўзбекистон чемпионатининг биринчи тур учрашувларига старт берилади.

(Ўз мухбиримиз)

Ахборот технологиялари

**УНИВЕРСИТЕТДА —
МАЪРИФИЙ ДАСТУР**

Шаҳримизда Intel корпорацияси томонидан МДХнинг турли шаҳарларида амалга оширилаётган маърифий йўналишдаги ташаббуслар туркумини давом эттирувчи корпоратив академик дастур татбиқ этилмоқда.

Дастур доирасида Тошкент Давлат техника университетиде яна бир тадбир бўлиб ўтди. Унинг ташаббускорлари Ўзбекистон ахборот технологиялари бозори етакчиси TS Technology компанияси ва CAPITALBANK иштирокида Intel халқаро корпорацияси

шиидир.

Уч кун давомида шахримиз олий ўқув юртинининг уч мингдан ортиқ талабалари илғор компьютер технологиялари, TS Technology ва Intel компанияларининг компьютер ва компьютер технологиялари соҳасидаги янги ишланмалари билан танишишди.

Энг муҳими, бунда ҳар бир хоҳловчи математик моделлаштириш учун кучли дастурлар билан мустақил равишда ишлаши, таълимда мультимедиянинг имкониятларини баҳолаши, мобил қурилмаларини қўллаши мумкин бўлди.



бўлди. Маърифий тадбирни уюштиришдан мақсад эса бўлгуси мутахассисларга ўз компьютер саводхонлиги даражаси ва замонавий ахборот технологиялари турғисидаги билимларини оширишга кўмакла-

шди. CAPITALBANK эса маърифий ташаббуслар дастурини давом эттирган ҳолда ушбу тадбирга талабаларни истеъмол кредитлаштиришнинг янги лойиҳасини ишлаб чиқди. Замонавий технологиялар устуликларини баҳрлаган ҳолда талабалар TS Technology компанияси томонидан таклиф

этилаётган компьютер техникасини кредитга олишлари ва уларнинг билимларини ўзлаштириш борасидаги имкониятларидан хозирнинг ўзидаёқ фойдаланишлари мумкин.



Замонавий ахборот технологияларининг имкониятларини бевосита намоён этиш мақсадида TS Technology компанияси иккита бир-бирдан узоқда бўлган корпуслар ўртасида телекўприк ташкил этди. Унинг воситасида талабалар бир-бирлари билан масофали тарзда мулоқотда бўлишди.

(Ўз мухбиримиз)
СУРАТЛАРДА: компьютер билимлари кунги тадбирида талабаларнинг маълумларини оширишлари учун мана шундай имкониятлар яратилди.

Наталья Семёнова олган суратлар.

«01»

**ЁНАЁТГАН
ХАЗОНЛАР**

Уйга қайтаётган мактаб ўқувчилари гаражлар орасида тўпланиб қолган хазонларни ёқиб юбордилар. Куриган баргллар тез ёниб, гараж ичига ҳам олов ўтиб кетди. Буни кўрган болалар содир этилган жойдан «тез, қочиб қол», дея зудлик билан қочиб кетдилар. Натijaда гаражда мавжуд бўлган автомашиналар ёниб кетди. Болаларнинг шўхлиги автомашина эгаларига жуда қимматга тушди, албатта. Агарда, тўпланиб қолган хазонлар фуқаролар тарафидан ўз вақтида тозаланиб ташланганида, бундай нохуш ҳолатларнинг олди олинармиди?

Фасллар орасида олтин кузнинг ўрни ўзгачадир. Кишининг совуқ кунлари бошланиши арафасида куз ўзининг таровати, ҳусни билан ҳар бир инсонни лол қолдиради.

Аммо минг афсуслар бўлсинки, баъзи-баъзида ана шу гўзалликка доғ туширадиган ишлар ҳам оёқ остидан чиқиб қолади. Эрта тонгда фаррошларимиз шахримизнинг кўча ва боғларида хазонларни суғуриб, тўда қилиб йиғиб қўядилар. Тўпланган баргллар кўш нурида қуриб, қовжираб, тез алангаланувчи воситага айланади. Ана шундай ҳолатларда кимларнингдир эътиборсизлиги, лоқайдлиги ёки бўлмаса болаларнинг шўхликлари сабаб бўлиб бу чиқиндилар ёқиб юборилади. Хазонларнинг устки қисми тез ёниб унинг остидаги хўл баргллар тутаб ундан чиққан аччиқ тўтун теварак-атрофга тарқалади. Кузнинг ёқимли ҳавоси ўрнига атрофни аччиқ ва қўланса хўд камраб олиб, кўзни ачитади. Ёнаётган олов ва тўтун атроф-муҳитга катта зарар келтираётганлигини барча

фуқаролар билса-да, «бу менинг ишим эмас», тарзида иш тутадилар. Айниқса, ёнаётган хазонлар турар жой биноларига ҳам ўтиб кетиши хавфи бор. Утган 2003 йили С.Рахимов туманида «Махсустрас» майдонига қолиб кетган хазон ва ахлатнинг ёниб кетиши оқибатида рўпарада жойлашган 4-уйнинг 4 та хонадонини ёниб қулга айланган. Мактаб ва боғчалар майдонларида ҳам вақтида олинмаган хазонлар болалар шўхлиги оқибатида ёниб, дарс ўтаётган ўқитувчилар ва ўқувчилар соғлиғига жиддий таъсир қилади.

Шайхонтоҳур туманидаги 21-оилавий поликлиника болалар шифокори Мавжуда Саматова билан учрашганимизда шундай фикр билдирди: «Кўпинча, кўчаларда, мактабларда, болалар боғчаларида тўқилган хазонларни болаларга суғуртиришиб, уни ёқиб юборишади. Ишининг бу йўсинда ташкил этилиши ҳам поликлиникамизга келаётган беморлар сонининг ошишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, астма касали бор инсонлар нафас олишга қийналади, тутундан димқадилар, шамоллаб, нафас олишга қийнаётган беморларга ҳам тутун жиддий таъсир этади. Агарда ушбу йиғилган хазонларни ёқмасдан, балки шаҳар четига олиб чиқилса ёки махсус жойга кўмилса мақсадга мувофиқ бўлар эди».

Дарҳақиқат, фарзандларимиз тарбиясига, уларга ёнгин хавфсизлиги қондаларини ўргатишга ҳеч вақт эринмаслик даркордир. Болаларимизнинг соғлом, бақувват бўлиб ўсишлари бизнинг қўлимиздадир. Озгина эътиборсизлик қилиб, фарзандларимиз соғлиғига жиддий зарар етказиб ва уни ҳар кунги кўриб афсус-надомат чеккандан кўра бугун шу нарасага қарши биргаликда кураш олиб боришимиз маъқулроқ.

Яхъё РЎЗИКУЛОВ
Миробод тумани Ички ишлар бошқармаси ёнгин хавфсизлиги бўлими инспектори, катта лейтенант.

Футбол

**НОХУШ
«АНЪАНА»
ТАКРОРЛАНДИ**

КЕЧА

«Пахтакор» марказий стадионига йиғилган минглаб мухлислар Осиё чемпионлар лигаси ярим финалининг «Пахтакор» — «Сеонгнам Чунма» ўртасидаги такрорий учрашувининг гувоҳига айланмишди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида бўлиб ўтган биринчи учрашув 0:0 ҳисобидаги дуранг натижа билан якунланган ва кўпчилик мутахассислари мухлислар иккинчи баҳсда «Пахтакор» галаба қозонади, дея тахмин қилишганди. Аммо, шу кунги башоратлар ўзини оқламади. Жароҳати бўлсада майдонга туширилган Шишелов ҳам ўзини кўрсата олмади. Қутилмаганда тезкор, комбинацион ва ҳужумкор ўйин намоён этилган меҳмонлар «Пахтакор» дарвозаси олдида тез-тез хавфли вазиятларни содир эта бошлашди. Тан олиш керак, дарвозабонимиз Нестеров бир неча марта жамоасини муқаррар голлардан сақлаб қолди. Аммо, биринчи бўлимнинг 36-дақиқасида Ким ҳамда иккинчи бўлим бошланганидан кейин 6 дақиқа ўтар-ўтмас Ду томонидан «Пахтакор» дарвозаси икки бор аниқ нишонга олинди.

Хуллас 2:0 ҳисобида галаба қозонган меҳмонлар Осиё чемпионлар лигаси финалига йўлланма олишди. Пахтакорчилар эса ўтган йилги нохуш «анъана»ни такрорлашди. Ёдингида бўлса ўтган йили ҳам Осиё чемпионлар лигаси ярим финалида Таиланднинг «Бек Тетро Сасана» жамоаси «Пахтакор»дан икки ўйин натижасига кўра (3:1, 0:1) устун келганди.

Эндилликда келгуси йили уюштирилаётган Осиё чемпионлар лигаси баҳсларини кутишга тўғри келади. Умид қиламиз, «Пахтакор» жамоаси мураббийлари, футболчилари учрашувда йўл қўйилган камчиликлар ва муаммоларни бартараф этиб, келгусида уюштирилаётган халқаро мусобақаларда мухлислар кўнглини шод этадилар.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ



**Бош муҳаррир
Акmal АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
электрон
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09

Ҳажми — 2 босма тибқ офсет усулида
босилади.
2812 нуска босилди. Қопчи бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чикади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашир етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтачига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқиш»нинг компьютер марказида терилди ва сақиланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.